

## Adabiyotlar

1. Shokirova M., Nurullayev Sh. Inglizcha - o'zbekcha – ruscha kimyo terminlari lug'ati (Mas'ul muharrir: O'zbekiston Davlat jahon tillari universiteti filol. Fanlari nomzodi, dotsent T. T. Ikromov). -Toshkent: 'Tafakkur Bo'stoni', 2013.
2. "Узбекско - русский словарь". –Москва: 1959.
3. "Русско - узбекский словарь" 2 tomli. –Ташкент: 1978.
4. "English - Russian dictionary" V.K.Myuller. M., 'Русский язык' 1978.
5. Shavkat Butayev "inglizcha-o'zbekcha". (80000 so'z va ibora) "O'QITUVCHI" nashriyot-matbaa ijodiy uyi. –Toshkent: 2013.
6. Isaqov U., Rahimov M., Sobirov B., Temirov S., Isaqov Sh. "inglizcha-o'zbekcha" lug'at. (20000 so'z va fe'lli birikma) "Yangi asr avlodi" nashriyot-matbaa markazida tayyorlangan. "Yoshlar matbuoti" bosmaxonasida bosilgan. -T.: 2005.
7. Akbar Kholmuradov, R. Azizov INGLIZCHA-O'ZBEKCHA LUG'AT (20 mingga yaqin so'z va ibora). -Toshkent: «Tamaddun», 2012, 504-b.
8. Jo'rayev L.H. "inglizcha-o'zbekcha" lug'at (8000 so'z) –Toshkent: "Davriy nashriyoti" 2013.
9. Nazarov S., Nazarova F., Adizova N., Poltayeveva D. "inglizcha-o'zbekcha" lug'at. (35000 so'z va ibora) "Niso Poligraf" nashriyoti, 2013.
10. Mirzarahimova M., Poltayeveva D. "inglizcha-o'zbekcha" lug'at. (15000 so'z va ibora) "Akademnashr". –Toshkent: 2014.
11. Raxmonov G., A'zamov A., Kadirbekova D. "inglizcha-o'zbekcha" lug'at. (15000 so'z va ibora). –Toshkent: "Talqin", 2014.

**REZYUME.** Maqolada inglizcha-o'zbekcha-ruscha (M.Shokirova, Sh.Nurullayev) lug'at tuzilish tamoyillari tanqidiy tahlil qilindi, yutuq va kamchiliklarini misollar bilan ko'rsatgan holda uni takomillashtirishga qaratilgan tavsiyalar ishlab chiqildi.

**РЕЗЮМЕ.** В этой статье собраны принципы англо - узбекско - русский словарь была исследована и показана их преимущества и недостатки с примерами и разработаны практические рекомендации по совершенствованию принципов составления словарей следующего поколения с помощью сравнительно-типологического метода, компонентный анализ и методы классификации.

**SUMMARY.** In this article compiling principles of English-Uzbek-Russian (M. Shokirova, Sh. Nurullayev) dictionary were investigated and shown its advantages and disadvantages with examples and practical recommendations for improving compiling principles of the next generation of dictionaries were worked out.

## РЕПРЕЗЕНТАТИВ НУТҚИЙ АКЛАРНИ ДИСКУРСДА ВОКЕЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ

**А.Ф.Шамахмудова** – филология фанлари буйича фалсафа доктори, доцент

*Самарқанд давлат чет тиллар институти*

**Таянч сўзлар.** хурмат тамойиллари, ижобий образ, салбий образ, лисоний ҳаракат, нутқий акт, воқелик, ижтимоий муҳит, репрезентатив.

**Ключевые слова:** принцип вежливости, позитивный образ, негативный образ, лингвистические стратегии, реальность, социальная среда, репрезентатив.

**Key words:** principle of politeness, positive image, negative image, linguistic strategies, reality, social environment, assertive.

**Кириш.** Ҳар қандай ижтимоий ёки лисоний ҳодиса сингари, хурмат тамойилларининг воқеланиши ҳам хос тарихий даврларда ҳар хил ўзгаришларга дучор бўлиши, ушбу масалани тарихий нуқтаи назардан ҳам таҳлил қилиш эҳтиёжини туғдирмоқда. Вакт ўтиши сайин хушмуомалаликнинг моҳияти ҳам ўзгариб бормоқда. Зеро, тил соҳибларининг ижтимоий табиати, ҳаёт ва тафаккур тарзи ҳам ўзгаришларга мойил бўлади. Маданиятда содир бўлган ижтимоий тарихий ислохотларга мувофиқ, олдинги даврда хушмуомалаликнинг лисоний вербаллашуви замонавий лингвистик стратегиялардан фарқ қилиши мумкин. Мазкур лисоний ўзгаришлар замоннинг турли хил тарихий босқичларида ҳар хил прагматик меъёрларни яратувчи маданий алмашинув, ижтимоий кадриятлар ва тимсолларнинг янгиланиши билан боғлиқдир.

Мазкур мақолада биз эътиборимизни айнан репрезентатив нутқий актларга қаратишни ният қилдик. Репрезентатив нутқий актлар ўз табиатига кўра хушмуомала бўлмаган нутқий актлар доирасига қиради, бинобарин уларнинг амалга оширилишида суҳбатдошга қулайлик туғдириш каби имплицит мақсад мавжуд бўлмайди.

**Асосий қисм.** Репрезентатив нутқий актлар доирасида хурмат тамойиллари кўп ҳолларда бевосита ифодаланмасдан, хушмуомалалик эксплицит, яъни билвосита воқеланишига гувоҳ бўлдик. Ушбу турдаги нутқий актлар адресатнинг ўз фикрининг ҳаққонийлигига ишончини ифодалаб, мулоқот иштирокчилари фикрлари ўртасида номунасобликнинг келиб чиқиши, уларнинг ижобий образига хавф солиш эҳтимоли мавжуд бўлади. Шу боис, ушбу ҳолатда хурмат тамойилларига таяниш, репрезентатив нутқий актларнинг иллокутив кучини юмшатиш, норозилик оҳангини пасайтириш, суҳбатдошларнинг шахсий образини хурмат қилиш ҳамда уларнинг ўзаро муносабатларини мувозанатда сақлаш мақсадида амалга оширилади.

Хурмат тамойилларининг репрезентатив нутқий актлар кўламида фаоллашуви турли лисоний воситалар,

стереотип тузилмалар орқали амалга оширилиши мумкин. Ушбу шаклларда адресат қиёфаси эксплицит тарзда ифодаланган бўлади. Улардан нутқий тузилмада фойдаланиш адресатнинг етказган ахборотида субъектив мулоҳазалар катъийлиги чегараланади, яъни, сўзловчи талаффуз этган лисоний бирикманнинг ҳаққонийлигига жавобгарлигидан озод этилади. Унинг суҳбатдошига, ўз навбатида, ўз фикрида қолиш эркинлиги берилади, яъни нутқий тузилманинг ҳаққонийлигини қабул қилиш мажбурий ҳисобланмайди. Қиёсланг: *Eso al menos es mi opinión [1:58]; No veo en este modo de expresarse toda la exactitud que conviene a mi parecer en las cosas [1:106]; La otra reflexión del señor Javier es también poco fundada a mi entender [1:26].*

Кўриб турганимиздек, иккита охириги мисолда суҳбатдош бевосита ифодаланишни олдини олиш мақсадида камтарона кўпик шаклидан фойдаланиб (бу ерда nuestro эгалик олмошни), псевдоинклюзив мазмунни баён этади. Псевдоинклюзив лисоний ҳаракатларнинг хусусиятларини куйида кўриб чиқамиз: *Te he traído hasta bolsos, porque si no me engaño, ni aun bolsos tienes [3:153]; Y en fin, pase el chaval de los botones, que, si no me equivoco, no presta servicios en consonancia con lo que consume [1:18]; Pues si no estoy mal informado tienes mucho trabajo que hacer [3:122].*

Испан бадий асарларидан олинган ушбу мисолларда стереотиплашган формулалар туркуми воситасида адресант ифодалаган мушоҳада шунчаки унинг шахсий фикри эканлиги, воқелик билан тўғри келиши ёнки мутлақ ҳақиқат эканлигига ишонтиришга мажбурламаслигини кузатишимиз мумкин. Мазкур тузилмаларда ишончсизлик модал мазмуни ифодаланиши билан бир қаторда, нутқий актининг иллокутив кучи пасайтирилишини эътироф этиш лозим.

Испан мулоқот маданиятида оммалашган тузилмаларнинг яна бир кўриниши репрезентатив нутқий актларда юзага келиши эҳтимоли бўлган кўполлик мазмунини юмшатишга қаратилган. Гап уэр,

кечирим сўраш иллокутив мақсади вокеланган тузилмалар ҳақида борганда, адресант суҳбатдошининг шахсий худудига таҳдид этганлигини англаб, хушмуомала ва оқил суҳбатдош сифатида олдиндан кечирим сўраб, кейингина фикрини баён этади. Сўзловчи салбий руҳдаги нуткий тузилмаларни талаффуз этишдан олдин, маълум хушмуомала лисоний воситалардан фойдалаши оқибатида нуткий актнинг қатъийлик, кўполлигини юмшатишга ҳаракат қилади. Узр сўраб, хато тан олингандан сўнг *pero* зидловчи боғловчиси воситасида репрезентатив нуткий акт фаоллашади: ... *pero siento tener que decir que no se ha examinado todavía con bastante experiencia; siento tener que decir que hay errores grandes de hecho* [3:206]; *Me duele mucho interrumpir a usted porque su oferta es magnífico, pero no puedo hacerlo* [1:90].

Суҳбатдошнинг гапини бўлиш унинг шахсий худудига яширин тарздаги таҳдидни юзага келтириб, фикрнинг тўлиғича баён этилишига ҳалакит бериш орқали сўзловчи ўз иллокутив мақсадини амалга оширади.

Ҳурмат тамойилларига асосланган репрезентатив нуткий актлар, шунингдек, 1 шахс бирликдаги докзастик (ишонч мазмунидаги) модал кўрсаткичлар воситасида ифодаланади. Сўзловчининг субъектив ишончига асосланган пропозиция ҳаққонийлиги ва ростлигининг кучайтирилиши кўзланган мазкур восита орқали сўзловчи суҳбатдошини ўз хабарининг ҳақиқийлигига ишонтиришга ҳаракат қилади, бироқ шу билан биргаликда, бу фақатгина унинг фикри эканлигини таъкидлаш орқали, репрезентатив нуткий тузилманинг иллокутив кучини пасайтиради, яъни кўполлик оҳангини сусайтиради.

Сўзловчининг пропозиция ҳаққонийлигига ишончини ифодалаш мазмунидаги докзастик модал бирликларнинг умумий мақсад орқали боғланган дискурс тузилмалари доирасида ишлатилиши бутун матнга таъкид мазмунини ато этади. Ишонч мазмунидаги модал сўзлар ва ифодалар репрезентатив нуткий тузилмага сўзловчининг пропозиция ҳаққонийлигига ишончи борасидаги модал мазмунни киритиб, ушбу нуткий тузилманинг прагматик мазмунини ўзгартиради. Бундай бирликлар розилик, эътироз, рад этиш, баҳолаш каби прагматик мазмунларни кучайтириш учун хизмат қилиши мумкин. “Ишонч” умумий мазмуни атрофида бирлашган модал сўзларнинг ҳар бири нуткий тузилмага модал сўз ёки иборанинг ўзининг семантикасида аниқланадиган қўшимча мазмунни киритади. Докзастик ибораларнинг қўлланилиши билан биргаликда, сўзловчи бу шунчаки унинг шахсий фикри эканлиги ва балким бошқаларда бу борада ўзгача тафаккур мавжуд бўлиши мумкинлигига ишора қилиш орқали ҳам ўзининг, ҳам адресатнинг ижобий образини сақлаб қолган бўлади. Шундай қилиб, репрезентатив нуткий актнинг хушмуомала ифодаланиши таъминланади. Қиёсланг: *No, no estoy de seguro, pero me parece que no haría Susana nada de más en regalarle un coche moderno con las flores para hazla feliz* [3:146]; *Tu oportunidad me parece está sin comentarios y fuera de discusión* [10:19].

Докзастик иборалар нуткий акт доирасида турли ўринларда ишлатилиши мумкин. Мазкур мисолда докзастик модал мазмун кўрсаткичи нуткий тузилманинг ўртасидан жой олган бўлиб, юмшатилиши назарда тутилаётган салбий муносабатдан аввал ўрин олган.

Қуйидаги мисолда эса сўзловчи билдирган мулоҳазанинг ҳаддан ташқари қатъийлик оҳангини касб этиши мумкинлиги англаган ҳолда, нуткий актнинг охирида юмшатовчи лисоний стратегиялардан фойдаланиб, ҳурмат тамойилларига амал қилинишини таъминлайди: *No... porque, bien mirado, no tiene el tipo*

*de los Bonapartes... digo, me parece a mí* [3:173]; *Querido maestro, creo que ya podemos dar por terminada nuestra reunión* [1:15]; *Me parece que es la mejor decisión, razonable y segura, con la que no creo que tengas nada que confrontar* [3:154].

Мазкур воситалар орқали салбий мулоҳаза ёки танбёх иллокутив кучига эга бўлган коммуникатив вазиятларда пропозициялар юмшатилишини тез-тез учратишга муваффақ бўлдиқ: *¡Buenos días! Querido, me parece que está usted abusando de su posición y mi delicadeza: se prevale usted de la ventaja de no tener un estado en el mundo, ni representación alguna para insultarme... eso es poco generoso. Yo no puedo aceptar semejante contrario* [3:219].

Ҳурмат тамойилларига асосланган репрезентатив нуткий актлар волитив (*querer* феъли), деонтик (*tener que* ибораси, *deber*) ва гипотетик (*poder* феъли) каби перформатив ибораларни кўп учратдиқ. Ушбу лисоний бирликлар воситасида сўзловчи баён этган мулоҳаза ва унинг шахсияти орасидаги масофасини чеклайди. Мазкур лисоний стратегиялар орқали адресантга йўналтирилган нуткий тузилмага нисбатан маълум майдоннинг мавжудлигини билдириш орқали суҳбатдошлар муносабатларидаги уйғунликни сақлаб қолади. Қўйидаги мисолларни кўриб чикайлик: *Los que habitan en las ciudades se puede decir que habitan en el aire, y en un aire dañino; tienen días con vaivenes, sin disfrutar de la naturaleza* [1:48]; *También se podría decir – replicó el preopinante – que, en mi simil, la virtud hace el papel de la árida roca de Santa Elena, dado que ése fue el camino que tomó Napoleón después de su derrota* [3:129].

Иккинчи мисолда шарт майли пропозиция ва уни вокелантирувчи шахс орасидаги масофани янада узайтиради, чунки замон нуткий акт фаоллашган лаҳзага номутаносибдир. Ушбу ўринда адресант содир бўлиши эҳтимоли бўлган ҳаёлий вазиятни яратган ҳолда, ҳаракатнинг шахсиятига бўлган муносабатини узайтиради: *Damas y caballeros, no todos los hombres cumplen con su responsabilidad. Casi puede decirse que una porción significativa van por sentido contrario casi se puede afirmar que uno solo... y no lo digo porque esté delante señor Gonsales* [1:98]; *Yo, señora Malena, sólo tengo que decir que por ningún motivo le dejen ustedes entrar por esa puerta.* [3:183]; *Sí, sí, tiene usted razón: no desviaremos, ilustre un chico; pero por de pronto, yo, el más desgraciado de los nacidos, quiero hacer constar que anhelo ser su amigo de usted* [1:68].

Ушбу лисоний воситалар нуткий актнинг иллокутив кучини пасайтиришга йўналтирилган шахсизлантириш ёки псевдоинклюзив мазмун каби бошқа лисоний ҳаракатлар билан боғлашни кузатишимиз мумкин.

Рефлексив се олмошининг ишлатилиши, ёки, бошқа сўз билан айтганда, шахсизлантириш ҳам репрезентатив нуткий актларда ҳурмат тамойилларини вокелантириш учун хизмат қилади. Ушбу лисоний ҳаракат орқали сўзловчининг шахсияти имплицит ифодаланади, адресантга фикр манбаи сифатида бевосита ишора этилмайди ва натижада билдирилган мулоҳазага нисбатан нутқ субъектининг маъсулияти камайтиради. Мазкур юмшатовчи лисоний ҳаракатда се фақатгина расман рефлексив ёки ўзлик ҳисобланиб, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, репрезентатив нуткий актларнинг замирида сўзловчининг иллокутив интенцияси ифодаланиши имплицит тарзда намоён бўлади.

Се рефлексив олмоши воситасида фаоллашган репрезентатив нуткий актларга бириктирилган иллокутив куч қатъийроқ туюлади, чунки мазкур шакллар орқали пропозициянинг мазмуни умумлашган ҳамда жамиятнинг барча аъзолари томонидан тан олинган ҳақиқат сифатида гавдаланади. Адресантнинг вазифаси шунчаки ўзгалар томонидан билдирилган

фикрни такрорлаб, уларнинг ҳаққонийлигига бевосита фикр билдирмасдан шахсиятининг ботиний тус олишини таъминлайди.

**Хулоса.** Шундай қилиб, бадий асарлардан олинган мисоллар таҳлили асосида маълум бўлдики, испан мулоқот матнида ҳурмат тамойилларига асосланиш қўйидаги лисоний ҳаракатлар орқали амалга оширилади: адресантнинг фикрини субъектив ёки ишончсиз тарзда тақдим этадиган стереотип формулалар орқали ҳамда тингловчининг шахсий ҳудудига таҳдид солинганлик учун узр сўрашни намоён этган нутқий тузилмалар воситасида. Адресантнинг пропозиция ҳаққонийлигига ишончини ифодалаш мазмунидаги докзастик модал бирликларнинг умумий мақсад орқали боғланган дискурс тузилмалари доирасида ишлатилиши бутун матнга таъкид мазмунини ато этиш орқали нутқий тузилма мазмунининг қатъийлигини юмшатади. Ушбу лисоний стратегия воситасида сўзловчи суҳбатдошига ўз фикрини ўтказишни назарда тутаяди. *Querer, tener que, deber, poder* феълларни ўз ичига олган перформатив нутқий тузилмалар адресант ва лисоний бирлик орасидаги масофани узайтиришга хизмат қилади. *Se* ўзлик олмоши воситасида нутқий тузилмани

шахсизлантириш сўзловчининг шахсиятини ва кейинчалик айтилган мушоҳадага нисбатан масъулиятни яшириб, айни пайтда ўз шахсий фикрини умумийлаштирилган ҳақиқатга сифатида тақдим этади. Шахсиз ибораларнинг қўлланилиши ҳам сўзловчининг нутқий тузилма ҳаққонийлигига масъуллигини камайтириш вазифасини ўтайди. Репрезентатив нутқий актнинг мулоқот оҳангда ифодалинишини таъминлаш мақсадида модал бирликлардан, яъни шубҳа, эҳтимол ва камайтирувчи микдор равишларидан фойдаланилганлик ҳолатларига ҳам гувоҳ бўлдиқ. Репрезентатив нутқий актнинг таркибида инкор тузилмалар мавжуд бўлса, уни бош гапга, яъни адресантнинг субъектив фикрини тасвирлашга қўчириш ҳушмуомаларок тус олади. Ушбу усул инкорнинг жойини ўзгартириш орқали амалга оширилади. Қолаверса, таҳлил этилган мисолларда биринчи шахс кўплик олмоши билан биргаликда муқобил феълларнинг акс эттирилиши сўзловчининг камтаринлик хусусиятини оширишини кузатдик. Бу тарзда гапирувчининг шахсияти ва ўзига ҳослиги муайян вербал алмашинув эҳтиёжлари билан боғланган ҳолда нутқий актда иштирокини ошириш ёки камайтириш учун *nosotros* шаклига алмаштирилади.

#### Адабиётлар

1. Alarcón P.A. El sombrero de tres picos. Createspace Independent Publishing Platform. – Barcelona: Crítica, 2015. – 122 p.
2. Brown R. Levinson S. Universals in Language Usage: Politeness Phenomena // Questions and Politeness: Strategies in Social Interaction. – Cambridge Univ. Press. – 1978. – P. 56-289.
3. Cela C. J. Novelas cortas y cuentos. – Moscú: Ráduga, 2001. – 247 p.
4. Escandell V., María V. Introducción a la pragmática. – Barcelona: Ariel, 1999. – 278 p.
5. Escandell V., María V. Aportaciones de la pragmática. En: Sánchez L.J., Santos G. I. (eds.), *Vademécum para la formación de profesores. Enseñar español como segunda lengua (L2)/lengua extranjera (LE)*. – Madrid: SGEL, 2004. – 345 p.
6. Haverkate H. Aproximaciones pragmalingüísticas al español. – Amsterdam: Ediciones Rodopi, 1993. – 149 p.
7. Haverkate H. La cortesía verbal. Estudio pragmalingüístico. – Madrid: Gredos, 1994. – 245 p.
8. Haverkate H. Estrategias de cortesía. Análisis intercultural // *Asele; Actas VII. Centro Virtual Cervantes*, 1996. – P. 45- 57.
9. Moreno F.F. Principios de sociolingüística y sociología del lenguaje. – Barcelona: Ariel, 2005. – 86 p.
10. Searle J.R. Indirect speech acts // *Syntax and semantics*. Vol. 3: Speech acts. – New York, 1975. – 265 p.

**РЕЗЮМЕ.** Мазкур мақола доирасида ҳурмат тамойилларининг испан мулоқот матнида воқеаланишининг лисоний стратегиялари, яъни тил соҳиблари томонидан нутқнинг ҳушмуомала воқеалантирилиши жараёнида ишлатиладиган мулоқот стратегияларини таҳлил қилиш мақсади қўйилган. Ҳурмат тамойиллари ижтимоий ҳамкорликнинг лисоний кодлаштирилишида намоён бўлиб, ушбу тамойилларнинг тил тизимида акс этиш воситалари даврлар ўтиши, ижтимоий муҳитнинг ўзгариши билан бошқа шакллар орқали воқеаланишини кузатиш мумкин.

**РЕЗЮМЕ.** Данной статье посвящается анализу лингвистических стратегий при реализации принципов вежливости в испанском дискурсе, а именно, выявлению коммуникативных стратегий, используемых носителями языка в процессе вежливой коммуникации. Принципы вежливости отражены в лингвистическом кодировании социального партнерства и несомненно, средства выражения этих принципов в языковой системе происходят с течением времени, изменениями в социальной среде и в других формах.

**SUMMARY.** This article deals with the problem of analysing linguistic strategies for implementing the politeness strategies in the Spanish discourse, that is, the communication strategies used by native speakers in the process of polite communication. The politeness strategies are reflected in the linguistic coding of social partnership and it should be noted that the means of expressing these principles in the language system occur over time, changes in the social environment and in other forms.